

## ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ДОИР МУАММОЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

<https://orcid.org/0000-0001-7989-9116>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568598>

Сўнги йилларда мамлакатимизда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашга доир бир қатор суд-тергов ислоҳотлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 17-мақсадида “тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш” лозимлиги белгиланганлиги, юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидир [1]. Лекин, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд-тергов амалиётининг таҳлили ҳали бу соҳада қилиниши лозим бўлган кўплаб ишлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Мисол учун, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган дастлабки тергов жараёнига доир қийноқлар фикримизнинг тасдиғидир (Андижон [2], Шўрчи [3], Чироқчи [4] воқеалари). Барчага маълумки, жиноят-процессда шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ салбий ҳолатларни олдини олишда ҳимоячининг ўрни катта. Чунки, ҳимоячи нафақат ўз ҳимояси остидаги шахсни оқлаш ёхуд унга тайинланиши мумкин бўлган жазони енгиллаштириш учун ҳаракат қилади, балки жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахслари томонидан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш жараёнида рухсат берилмаган усуллар қўлламаслик учун тийиб турувчи куч вазифасини ҳам бажаради. Лекин, барча гумон қилинувчи, айбланувчилар ҳимоячи сифатида адвокат ёллашга имконияти бўлмайди. Бундай шахсларга давлат ҳисобидан адвокат тайинланади. Аммо, суд-тергов амалиётига эътибор қилинадиган бўлса, бепул юридик ёрдам билан таъминлаш билан боғлиқ бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, биз мазкур мақоламизда бепул юридик ёрдам билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб, уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этиш орқали ҳимояланиш ҳуқуқини янада самарали амалга ошириш имкониятини кўриб чиқамиз. Зеро, Г.З. Тўлаганова, С.Р. Базаров тўғри таъкидлаганидек, “Айрим шахслар юридик хизматга ҳақ тўлай олмаганларида, уларга давлат томонидан бундай ёрдамни бепул берилиши ҳам ҳимояга бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатларидан биридир” [5].

Амалдаги ЖПКнинг 50-моддаси тўртинчи қисмида жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини адвокат хизмати учун тўловдан батамом ёхуд қисман озод этишга ҳақли эканлиги белгиланган. Мазкур қондан ишлаш механизми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 137-сонли қарори [6] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия

вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 8, 109-сонли низомида тартибига солинган [7]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги 137-сонли қарорида бепул юридик ёрдам билан оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52,70 фоизидан ортиқ бўлмаган шахслар таъминланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ойлик даромадини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, иш жойидан берилган охирги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома асос бўлиши, мазкур маълумотномага гумон қилинувчи, айбланувчининг яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган хулоса илова қилиниши лозимлиги белгиланган. Қонунчиликка мувофиқ юқоридаги ҳужжатлар бўлсагина суриштирувчи, терговчи шахсни бепул юридик ёрдам билан таъминлаши мумкин. Лекин, гумон қилинувчи, айбланувчи бепул юридик ёрдам билан таъминланган 100 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганилганда юқоридаги ҳужжатларнинг бирортаси мавжуд эмаслиги аниқланди. 2021 йилда жиноят энг кўп содир этилган Қарши шаҳар “Ғофур Ғулом” маҳалласи, Термиз шаҳар “Мажнунтол” маҳалласи, Навоий шаҳар “Ёшлик” маҳалласи, Бухоро шаҳар “Пиридастгир” маҳалласи, Пастдарғом тумани “Олтиқаҳрамон” маҳалласи, Андижон тумани “Султонобод” маҳалласи, Наманган шаҳар “Гулистон” маҳалласи, Урганч тумани “Ёшлик” маҳалласи фаолияти ўрганилганда шахсни бепул юридик ёрдам билан таъминлаш учун тергов органларига ҳеч қандай хулоса тақдим этмаганликлари аниқланди. Жиноят ишларида тайинлов бўйича ишда иштирок этганлик учун адвокатларга давлат томонидан 2019 йилда 12 242 280 996 сўм, 2020 йилда 14 156 390 898 сўм, 2021 йилда 74 171 793 475 сўм тўлаб берилган [8]. Ваҳоланки, бепул юридик ёрдам учун 2009 йилнинг 2018 йилгача давлат бюджетидан 75 миллиард сўм ажратилган [9]. Юқоридаги статистикадан бепул юридик ёрдам учун давлат томонидан тўланадиган маблағ йилдан-йилга кескин ўсиб бораётганлигини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори етарли даражада ишламаётганлигини кўриш мумкин. Мазкур салбий омилга эса қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

*биринчиси*, жиноят ишини юритувчи органлар мансабдор шахсларининг вақтни тежашга ва қоғозбозликни камайтиришга бўлган интилиши. Чунки Вазирлар Маҳкамаси қарорида кўрсатилган ҳужжатларни йиғиш учун ўрта ҳисобда бир кунгача вақт сарфланиши мумкин. Тошкент шаҳри терговчиларининг иш фаолияти ўрганилганда уларнинг қўл остида ўртача 11 тадан 15 тагача жиноят иши мавжуд эканлиги аниқланди. Мазкур омил терговчидан жиноят ишини иложи борида тез тамомлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, кўп терговчилар жиноят ишини тергов қилиш билан боғлиқ асосий ишларига вақт сарфлаб, бепул юридик ёрдам билан таъминлаш тартибига етарли даражада эътибор қаратмайди;

*иккинчидан*, барча шахсларнинг даромадини аниқлашнинг имкони мавжуд эмаслиги. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ойлик даромадини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, иш жойидан берилган охирги ўн икки ойлик даромади

тўғрисидаги маълумотнома асос бўлади деб ёзиб қўйилган. 2022 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистондаги меҳнат ресурслари сони 19 миллион 345 минг кишини ташкил этди. Мамлакатда 1 миллион 441,8 минг киши ишга муҳтож бўлиб, ишсизлик даражаси 9,6 фоизга етди. Ёшлар орасида ишсизлик даражаси 15,1 фоизни, аёллар орасида эса 13,3 фоизни ташкил этди [10]. Мазкур статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда ҳамма ҳам давлат ишида ишламайди, шунингдек ишсизлар сони юқори. Агар давлат ишида ишламайдиган ҳамда ишсизлар томонидан жиноят содир этилса, уларни бепул юридик ёрдам билан таъминлаш тартиби қандай бўлиши Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланмаган. Зеро, Ўзбекистонда 2021 йилда аниқланган жиноятларнинг умумий сони 84100 тани ташкил этиб, уларнинг 14 мингдан ортиғини ишсизлар содир этган [11];

*учинчидан*, бепул юридик ёрдам олиш қонунчилигини тартибга солувчи ягона қонунчилик мавжуд эмаслиги. Яъни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номувофиқликлар. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 137-сонли қарорида қуйидаги сўзлар келтирилган: “оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52,70 фоизидан ортиқ бўлмаган шахслар** адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилинади”. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 8, 109-сонли низомида эса қуйидаги қоида келтирилган: “оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги **энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар** адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилинади”. Барчага маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 21 майдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5723-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори жорий этилган [12]. Қонунчиликдаги ушбу ўзгаришга 3 йил бўлганлигига қарамасдан, бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқини бевосита тартибга солувчи Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги қарорларига ҳали-ҳануз тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги йўқ. Бу эса суриштирувчи, терговчига гумон қилинувчи, айбланувчини бепул юридик ёрдам билан ўзлар хоҳлаган тартибда таъминлашга имкон бермоқда;

*тўртинчидан*, суриштирувчи, терговчининг бепул юридик ёрдам билан таъминлаш тартиби тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги. Суриштирувчи, терговчилар орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра уларнинг 76 % бизнинг

фикримизни тасдиқлаб, давлат ҳисобидан иштирок этадиган адвокатларни жалб этишда етарли малакага эга эмаслигини билдирган;

*бешинчидан*, мазкур соҳада назоратнинг сустиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади [13]. Барчага маълумки амалдаги ЖПКнинг 381-моддасига мувофиқ терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади [14]. 50 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганилганда бепул юридик ёрдам билан таъминлашнинг Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган тартибига риоя этилмаганлигига қарамасдан, прокурор томонидан айблов хулосасини амалдаги ЖПКнинг 383-моддасига мувофиқ судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма бериш ҳолатлари учраганлиги аниқланган.

Юқорида масала юзасидан жиноят-процессуал назарияда турли хил қарашлар мавжуд.

Мисол учун, Е.В. Виноградова, П.А. Виноградова бепул юридик ёрдам билан аҳолининг аниқ қатлами, яъни ҳомиладор ёхуд уч ёшгача боласи бор аёллар, ишламайдиган нафақахўрлар ҳамда ишламайдиган вояга етмаган боласи бор ота-оналар, етимлар, шунингдек ота-она қаровидан маҳрум бўлган болаларни таъминлаш лозим деган фикрни илгари суради [15].

А.С. Плетень эса “алоҳида тоифадаги фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш учун имтиёз белгилаш ҳамда бепул юридик ёрдам кўрсатишга оид қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилувчи алоҳида институт ташкил этиш лозим” деган фикрни илгари суради [16].

**Россия Федерациясида** бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар турли хил қонунларда келтирилган. “Россия Федерацияси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” [17], “Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисида” [18], “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими тўғрисида” [19] ги қонунлар шулар жумласидандир.

**Финляндияда** содир этган қилмиши учун 4 ойдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаган ва ногиронлар бепул юридик ёрдамдан фойдаланадилар [20].

**Тожикистон Республикасида** кимларга бепул юридик ёрдам кўрсатилиши ЖПКда аниқ белгилаб қўйилган. Улар қуйидагилар:

- вояга етмаган ёки вояга етмаган қаровга олинган фарзанди бўлган юридик ёрдам учун тўлов қилиш имкониятига эга бўлмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум;

- Тожикистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар;

- Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, бошқа давлатлар ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

- Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган ёки унинг оқибатларини бартараф этишда қатнашган шахслар давлат томонидан бепул адвокат билан таъминланиши кўрсатилган [21].

Бизнинг фикримизча, бепул юридик ёрдам билан, фақатгина, моддий ёрдамга муҳтож шахсларни, яъни аҳолининг кам таъминланган қатламини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бундай шахсларнинг рўйхати бугунги кунда Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида шакллантирилган. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг аъзолари ана шундай шахслардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 апрелдаги «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 250-сон қарорига мувофиқ «Темир дафтар»га қуйидаги тоифадаги оилалар киритилади:

- Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарори талаблари асосида кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оилалар;

- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар;

- кам таъминланган яқка-ёлғизлар ва кексалар;

- боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;

- кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оилалар;

- меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;

- тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

- нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар [22].

«Темир дафтар»нинг юритилиши бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги масъул ҳисобланади. Шунингдек, юқоридаги қарорга мувофиқ 2021 йил 1 июнда «Темир дафтар»нинг электрон тизимини бир қанча вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан тўғридан-тўғри интеграция қилиш ишлари яқунлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарори қабул қилинди [23]. Ушбу қарорда «электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими бўйича суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи 29 та давлат органлари ҳамда ташкилотлари белгиланди. Лекин, мазкур давлат органлари ҳамда ташкилотлари ичида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги кўрсатилмади. Назаримизда, “Темир дафтар”да мавжуд бўлган фуқаро тўғрисида маълумот олиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ахборот тизими билан суриштирув ҳамда тергов органларини ахборот тизимини интеграция қилиш керак. Ушбу орқали биз, “Темир дафтар”дам мавжуд бўлган фуқаро

тўғрисида тез ва сифатли маълумот олишга, давлат томонидан кўрсатиладиган бепул юридик ёрдамнинг ҳақиқий эгасига етиб боришига, тергов органлари ходимларининг ортиқча оворагарчиликларга йўл қўймасликка эришамиз. Мазкур тартибни қўллашда ҳар доим ҳам кам таъминланган оилалар “Темир дафтар”га киритилмаслигини инобатга олиш лозим. Яъни, ушбу дафтарни шакллантирувчиларнинг беъэтиборлиги ёхуд бошқа сабаблар билан “Темир дафтар”га киритилиши лозим бўлган фуқаро мазкур дафтарда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ўзини камбағал деб атаган фуқарога нисбатан у тўғрисида тўпланган дастлабки маълумотлар асосида ҳаракат қилиб туриш лозим. Мисол учун, иш жойи, кундалик шуғулланадиган касбий фаолияти ва б. Агар ростдан ҳам унинг камбағаллигига шубҳа пайдо бўладиган бўлса, бундай ҳолда айбсизлик презумпцияси моҳиятидан, яъни барча шубҳалар гумон қилинувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим қоидасидан келиб чиқиб, унга бепул юридик ёрдам кўрсатиб туриш керак. Лекин, терговчи мазкур вазиятда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг жойлардаги бўлимига сўров юбориб, ушбу фуқаро “Темир дафтар”га киритилиши лозим бўлган оилада яшовчи шахслар сирасига кириш-кирмаслигини аниқлаши лозим. Агар, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг жойлардаги бўлими сўров юборилган фуқарони “Темир дафтар”га киритилиши лозим бўлган оилада истиқомат қилмайди деб топадиган бўлса ва унга нисбатан айблов ҳукми чиқса, бепул юридик ёрдам учун сарфланган давлат маблағлари ушбу маҳкумдан ундирилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бепул юридик ёрдам олиш тартибини қонунчиликда аниқ белгилаш ҳамда унга амал қилиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, жиноят ишларини юритиш жараёнида шахс ҳуқуқларини янада самарали таъминланишига, давлат маблағларининг ҳақиқий эгасига етиб боришига ўзининг ижобий самарасини кўрсатади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (мурожаат вақти: 23.06.2022).
2. Ўзбекистон: Андижондаги қийноқлар - Омбудсман “бу уят” деди - O'zbekiston. // URL: <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-53060959> (мурожаат вақти: 17.05.2022).
3. “Кўзимни боғлаб, электр токи билан қийнашди” — Шўрчи туман ИИБда гумондорларга қийноқ қўлланганми? // URL: <https://kun.uz/news/2021/10/16/kozimni-boglab-elekt-r-to-ki-bilan-qiynashdi-shorch-i-tuman-iibda-gumondorlarga-qiyno-q-qollanganmi> (мурожаат вақти: 17.05.2022).
4. Ҳуқуқ фаоли қамоқхоналардаги қийноқларнинг асосий сабабларини айтди. // URL: <https://azon.uz/content/views/huquq-faoli-qamoqhonalardagi-qiynoqlarni> (мурожаат вақти: 17.05.2022).
5. Тўлаганова Г.З., Базаров С.Р. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки: Ўқув – қўлланма. – Т. 2009. – Б.3.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш

- механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 137-сонли қарори // <https://www.lex.uz/docs/1363850> // (мурожаат вақти:30.11.2022).
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 8, 109-сонли низоми // <https://lex.uz/docs/1363850> // (мурожаат вақти: 30.11.2022).
8. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2022 йил 15 сентябрдаги 4-08-1626/1254-сон хати
9. Саломов Бахром ва б. Ўзбекистонда адвокатура: жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари: Таҳлилий маълумот. – Т., 2020.
10. Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 9,6 фоизни ташкил этди // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/08/unemployment/> (мурожаат вақти: 20.07.2022).
11. 2021 йилда ҳар учинчи қотиллик оилавий муаммолар туфайли содир этилган — ИИБ // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/19/iiv/> (мурожаат вақти: 20.07.2022).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5723-сон Фармони // URL:<https://lex.uz/docs/4346118> (мурожаат вақти:20.07.2022).
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://constitution.uz/uz/clause/index> (мурожаат вақти: 20.07.2022).
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат вақти: 20.07.2022).
15. Виноградова Е.В., Виноградова П.А. Региональное законодательство по реализации прав граждан на бесплатную юридическую помощь // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/regionalnoe-zakonodatelstvo-po-realizatsii-prav-grazhdan-na-besplatnuyu-yuridicheskuyu-pomosch> (мурожаат вақти:30.05.2022).
16. Плетень А.С. Конституционное право на бесплатную юридическую помощь и механизм его реализации в современной России: . Автореф. дис. ... на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – М, 2008. – С. 12.<sup>1</sup>
17. О порядке рассмотрения обращений граждан Российской Федерации // URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_59999/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_59999/) (мурожаат вақти: 30.05.2022).
18. О порядке рассмотрения обращений граждан Российской Федерации // URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_59999/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_59999/) (мурожаат вақти: 30.05.2022).
19. О статусе военнослужащих // URL: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_18853/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_18853/) (мурожаат вақти:03.05.2022).
20. Федеральный закон от 24 июня 1999 г. N 120-ФЗ "Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних" (с изменениями и дополнениями) // URL: <https://base.garant.ru/12116087/> (мурожаат вақти: 30.05.2022).

21. Мавлонов К.Т. Жинойат процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари. Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. – Т. 2021. – Б.138.
22. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 18.03.2022 г.) // URL: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30594304](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30594304) (мурожаат вақти:03.12.2020).
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йи 4 апрелдаги «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ВМ-250-сон қарори URL: <https://lex.uz/docs/5398681> (мурожаат вақти:07.06.2022).
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/ru/docs/5840465> (мурожаат вақти:07.09.2022).